

**Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ривожлантириш хусусиятлари таҳлили.**

Ахунбобоев М.М. Умирзоқов О.А. Усанов.А.А.

Гулистон давлат унверситети

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожатномасида худудларни жадал иқтисодий ривожлантириш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиб : ”Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, имконият ва жавоб-гарлигини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман” деганларида жуда ҳақ эдилари. Ҳар бир худуднинг ривожланиш албатта шу худудни бошқариб турган раҳбарларга, қолаверса худуднинг табиий ресурсларига, табиий иқлимий шароитига тарихий риволаниш тенденцияларига, аҳолисининг келиб чиқишига ва қатор бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

1963-йилда асосан Мирзачўлнинг кенг сарҳадларини ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган Сирдарё вилояти Республикамининг мавжуд 14та регионлари орасида иқтисодий салоҳияти суёт ривожланганлиги билан ажралиб туради. Аммо шуни алоҳида таъкидалаш жоизки бир қатор кўрсаткичлар бўйича эса, республикада етакчи ўринларни эгаллайди. Хусусан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги билан Сурхондарё вилоятидан кейин иккинчи ўринни, саноат ишлаб чиқаришнинг хиссаси бўйича Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Наманган вилоятларидан юқорилиги, кичик бизнеснинг ялпи худудий махсулотининг 84.1 %ни бериши бўйича эса республикада биринчи ўринда туриши билан ажралиб туради.

Сирдарё вилоятининг иқтисодий ривожлантиришда биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг 2011-йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш” йилли деб эълон қилиши вилоят иқтисодий салоҳиятининг ошишида муҳим рол ўйнади, чунки Сирдарё вилояти деярли барча турдаги фойдали қазилма бойликларига эга эмас (кум-шағал материаллари, ғишт-черепица хомашёси бундан мустасно). Шу

сабадан ҳам вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ягона ва тўғри йўл эди.

2011-2017-йиллар давомида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик анчайин ўсди . 2013-йилда у саноат махсулотининг 36.8%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017-йилда 44.9%ни ташкил этди, яъни 4 йил ичида 8.1%га ошганини кўришимиз мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улушини туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда 2017-йил, 2016-йилнинг январ-декабр ойларига нисбати вилоятнинг туманлар кесимида қуйдагича ўзгаришни кўришимиз мумкин бўлади: Мирзаобод туманида 9.6% , Боёвут туманида 6.1% ва Гулистон шаҳрида 4.6% бирликка кўпайганлигини кўрамыз.

Қуйда берилган диаграммада вилоят туманлари кесимида, 2016 ва 2017 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўсиши берилган.





Диаграмма таҳлилли шуни кўрсатмоқ-ки, туман ва шаҳарлар кесимида ўсиш Мирзаобод (9,6%), Боёвут туманлари (6,1%) ва Гулистон шаҳрида (4,6%) ўсиш кузатилган бўлса, аксинча айрим туман ва шаҳарларда ўсиш суърати пасайиб борганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Янгиер шаҳрида (41,4%)га, Сардоба туманида ((12,5%),Оқ олтин тумани (9,9%) ларида 2016 йилга нисбатан ўсиш пасайганлигини кўрамыз. Қолган туман ва шаҳарларда бу кўрсаткич унчалик фарқланмайди.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳаллий ёки давлат улушининг ҳолатига қараб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган эҳтиёжни аниқлашимиз мумкин. Масалан Ширин шаҳарида саноат ишлаб чиқаришида давлат улушининг катталиги (98,6%) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг суст ривожланишига олиб келган. Республикамиздаги энг йирик Сирдарё ИЭСининг шу ҳудудда жойлашганлиги ва шаҳар аҳолисининг ҳам асосан шу корхонада фаолият кўрсатаётгани ҳам таъсири сезиларлидир. Аксинча, Мирзаобод туманида саноат ишлаб чиқариши ҳажмида маҳаллий улушининг катталиги (69,9%) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юқори тарзда ривожланишига олиб келган.

Jami sanoat ishlab chiqarish hajmida maxalliy va davlat ulushi yuqori bo'lgan korxonalar tomonidan ishlab chiqarilgan sanoat maxsulotlari ulushi.



Фойдаланган адабиётлар:

1. Mirziyoyevning Oliy Majlis Senati va Qonunchilik palatasiga Murojaatnomasi
2. Қ. Абдушукуров, И Абдушукурова. Ислом Каримов миллий ғоя, мафкура ва маънавият ҳақида Гулистон 2015
3. Сирдарё вилояти статистик маълумотномаси.
4. А.Солиев Ўзбекистон географияси. Тошкент.2014